

“Temiryo’lchi” 2017 yil 1 iyun №22(6157) sonli gazeta

ДУНЁ – БОЛАЛАР НИГОҲИДА



«Тоштемирйўллойиҳа» масъулияти чекланган жамиятида айнан мазкур мавзуда кўрик-танлов бўлиб ўтди. Унда корхона ишчи-ходимларининг фарзандлари ўзларининг тасвири санъатдаги иқтидорларини намойиш этишди.

1 июнь – Халқаро болаларни химоя қилиш куни муносабати билан ташкил этилган танловда 70 нафарга яқин ўғил-қиз иштирок этди. Келажакимиз эгаларининг фикрлари беғуборлиги, онгу шуурларида фақат эзгу ғоялар мужассам эканлиги уларнинг асарларида яққол намоён бўлди. Кўрик-танлов ғолиби овоз бериш йўли орқали аниқланиб, унга кўра смета бўлими етакчи мутахассиси Дилфуза Ганиеванинг 10 ёшли ўғли Хондамир Насруллаев 1-ўринга лойиқ деб топилди.

– Ўғлимнинг тасвири санъатга, расм чизишга қизиқиши баланд, – дейди Д.Ганиева. – Кўплаб танловларда ғолиб ҳамда совриндор бўлишга улгурди. Бугунги танловда ҳам ғолиб бўлганини эшитиб, оиламиз билан қувондик. Ушбу эътироф унинг келажакдаги фаолиятига қанот бўлишига ишонаман.

Танловнинг барча иштирокчиларига совгалар тақдим этилди. Ғолиб эса Мустақиллик байрами арафасида кўхна Бухоро шаҳрига йуллангани кўлга киритди.

Фирдавс ХАЙРИДДИНОВ, «Temiryo’lchi» мухбири